

2013- 1-сон

Юқори инстанция судлари иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарар қопланганлиги масаласини ҳар тарафлама, тўлиқ текширишлари шарт.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2012 йил 4 апрелдаги ҳукмига асосан, И. "ELDORADO-QURILISH" МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келиб, "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси Тошкент вилоят филиали техник назоратчиси Р. билан жиноий тил бириктириб, ўзига ишониб топширилган, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани қалбаки хужжатлар асосида ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги учун Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди ва бошқа моддалари билан 3 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, И.дан жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг қопланмаган қисми, яъни 898.548.476 сўм ундирилиши белгиланган.

Шу суд кассация инстанциясининг 2012 йил 22 июндаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилиб, И. томонидан жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган, деган асоссиз хулосага келиниб, унга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси бошқа жазо турига алмаштирилиб, И. суд залидан қамоқдан озод қилинган.

Иш ҳолатига караганда, кассация инстанцияси суди И.га алоқаси бўлмаган, "Паркент қурилиш сервис" ҳамда "Келес греат строй" МЧЖ-ларнинг жамиятнинг улар олдидаги қарздорлик суммаси ўзаро ҳисоб-китоб йўли билан ҳал этилганлиги, И.га нисбатан ҳеч қандай даъволари йўқлиги, Қибрай ҳамда Юқоричирчиқ туманларидаги уй-жой эгалари томонидан компанияга нисбатан қурилиш масаласида шикоят ёки даъво аризалари келиб

тушган тақдирда, бажарилмаган ишларни улар ўз маблағлари эвазига бартараф этишларини зиммаларига олишлари ҳақидаги маълумотномаларига асосан, И.га нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартирган.

Бироқ бунда кассация инстанцияси суди тақдим этилган маълумотномаларнинг ҳақиқийлигини, "Паркент қурилиш сервис" ва "Келес греат строй" МЧЖ вакилларини судда сўроқ қилиш йўли билан текшириш, И. томонидан содир этилган жиноятлар натижасида етказилган зарарлар реал қопланганлиги ҳолатларини аниқлаш чораларини кўрмаган.

Бундан ташқари кассация инстанцияси суди инжиниринг компанияси томонидан О.нинг номига берилган ишончноманинг муддати ўтиб кетганлигига эътибор бермай, унинг ваколати доирасини тўлиқ текширмай, суд мажлисида фуқаровий даъвогар тариқасида ишда иштирок эттириб, қонун талабини бузган. Бу эса, ўз навбатида, инжиниринг компаниясининг асосли эътирозларига сабаб бўлган.

Натижада кассация инстанцияси суди ажрими Олий судда бекор қилиниб, И.га нисбатан қайтадан "қамоқ" эҳтиёт чораси қўлланилди ва ишни кассация инстанция судида кўришда иштирок этган судьяларга нисбатан хусусий ажрим чиқарилди.

ЖСҲ-25-13-сонли ажрим